

---

“Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида Ўзбекистон туманида яна қўшимча 9 та таклиф молиялаштириладиган бўлди

Аввалроқ жорий йилги “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2-мавсуми якунига кўра, Ўзбекистон туманидан лойиҳа доирасида умумий қиймати 6,019 млрд. сўм бўлган 5 та таклиф ғолиб бўлгани ҳақида [хабар берган эдик.](#)

Давлатимиз раҳбарининг 25 октябрь куни имзолаган [қарори](#) билан, 2022 йил июль-сентябрь ойларида ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнларида ҳар бири 2 мингдан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб деб топилмаган 364 та лойиҳани амалга ошириш учун қўшимча 335 миллиард сўм маблағ ажратилди. Хусусан, туманимиздан ҳам яна қўшимча 9 та лойиҳага 9 млрд. 539 млн. сўм маблағ йўналтирилиши белгиланди.

Бунда, Кичик Тағоб, Бегобод, Нурсух (Юқори маҳалласи), Мевазор, Қоратепа МФЙлари ва Оқтепадашт қишлоғи ҳудудларида ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви ва оқава тизимини яхшилаш, Бегобод маҳалласидаги тиббиёт муассасаси, Дарвешободдаги 23-мактаб ҳамда Қирққетмондаги 16-мактабни таъмирлаш ва моддий-техника базасини ривожлантириш билан боғлиқ таклифлар молиялаштириладиган бўлди.

Эътиборлиси, “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 2-мавсумида ҳам аҳолининг иштироки бўйича Ўзбекистон тумани юқори кўрсаткичларни қайд этган бўлса, қўшимча таклифларга маблағлар ажратилишида ҳам туманимиз Республика бўйича энг юқори ўринни эгаллади.

2022-10-27 14:45:30